



REPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 23 июнь, № 124 (5039)

Чоршанба

САНОАТНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИ

корхоналарнинг техник ва технологик янгиланишида ҳам яққол намоён бўлмоқда




Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасидаги саноат тармоқ ярмаркалари республикамиз ишлаб чиқарувчилари учун катта имконият яратиш баробарида, уларнинг фаолиятларини янада кенгайтиришга хизмат қиломқда.

Халқаро ярмарка

Зеро, Президентимизнинг 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ўтказилаётган мазкур тадбирларда мамлакатимиздаги етакчи саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари ва хорижий корхоналар вакиллари иштирок этмоқда. Хусусан, Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати мажмуи корхоналарининг саноат тармоқ ярмаркасида 60 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар, Хитой, Корея Республикаси, Австралия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Италия, Германия, Қозоғистон сингари давлатларнинг вакиллари ўз хизмат ва маҳсулотларини тақдим этдилар. Иштирокчилар томонидан эса шу кунгача 701524,7 миллиард сўмлик 622 та шартномага имзо чекилди.

Кеча яна бир йўналиш — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати мажмуи корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ҳам ўз ишини бошлади.

(Давоми 2-бетда).



САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11 — 15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида вақтинча кўчиб келган фуқаролар мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида қабул қилиниб, 100 мингга яқин киши жойлаштирилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Бу муҳажир воқеалардан жабр кўрганлар — аёллар, болалар ва кексаларга, ярадорлар, беморлар ва шикастланганларга ёрдам ва кўмак бериш мақсадида аҳолиимиз, жамоатчилигимиз томонидан катта ғамжўрлик кўрсатилгани ва кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда Андижон вилояти ҳокимлигида очилган махсус беғариз ёрдам ҳисоб рақамига юртимиздаги кўплаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан маблағлар келиб тушиши давом этмоқда.

Бугунги кунга қадар ушбу ҳисоб рақамига 3,9 миллиард сўмга яқин маблағ тушди. Бундан ташқари, республика ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан 7,8 миллиард сўмликдан зиёд озик-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва бошқа ҳаётини зарур буюмлар

тўпланиб, ўз вақтида тегишли манзилларга етказиб берилди. Шунинг таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ашаётган ҳар бир одам бу фожиани ўзига яқин қабул қилиб, жабрланганларга ҳамдард бўлиб, елкадош бўлиб, халқимизга мансуб бўлган олижаноблик ва бағрикенглик каби асрий фазилатларни яна бир бор амалда намоён этди.

Юртбошимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган бундай инсоний муносабат, меҳр-оқибат нунаси оғир пайтларда кўмакка муҳтож бўлган одамларга беминнат ёрдам беришдек миллий хусусиятларимизнинг ёрқин ифодаси сифатида эътиборлидир. Айниқса, ёшларимизнинг бу эзгу ишда фаол иштирок этгани ёш авлодимизнинг ана шундай азалий қадриятлар руҳида тарбия топаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ана шу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар, идора ва муассасалар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фермерлик ва тадбиркорлик субъектлари, маданият ходимларига, барча олижаноб инсонларга самимий миннатдорлик билдиради.

(Ў.А.)

ФАРМАЦЕВТИКА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фан ва техника тараққиётга кенг йўл очилиб, ишлаб чиқариш жараёнлари муттасил такомиллаштирилаётгани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этиш учун қулай имконият яратилгани фармацевтика саноатимизни ҳам ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда мамлакатимиз фармацевтика сансатининг бугунги ривож ва истиқболга бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу хусусда сўз юритилди. "Ўзфармасаноат" давлат акциядорлик концерни, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар,

маҳаллий фармацевтика корхоналари раҳбарлари ва шифокорлар иштирок этди.

"Ўзфармасаноат" давлат акциядорлик концерни раиси М. Дўстмуродов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М. Ҳожибеков Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида

(Давоми 2-бетда).

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК, ОМОНЛИК

бор жойда файзу барака, фаровон ҳаёт ҳукм суради

Дунёда энг улуг неъмат бор, унинг номи тинчлик. Усиз ҳаёт дарёси қурийд, инсонлар тақдирини уқубатга, ранжу балога гирифтор бўлади. Тинчлик бу бебаҳо, битмас-туганмас, қадри абад бойлиқдир. Унинг хотиржамлик ва роҳату фароғат деган бебаҳо хазиналари бор. Шу хазиналар ҳар бир кишига ризқу насиба улашади, кўнглини завқу шавққа ошно этади, орзуларини сарбаланд айлайди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Ўтган ҳафта Юртбошимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюриб, давлат Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Зиёрат чоғида ҳаммамиз яхшилаб ўқиймиз лозим бўлган кўнглида эзгу фикрларни билдирди: "Ушбу муқаддас қадимки зиёрат қилган ҳар бир киши руҳи поклангандек бўлади. Бундай муборак жойларга тез-тез келиб туриш, зиёрат қилиш, Яратқандан юртимизга, элимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу бара-

ка тилаш ҳар биримиз учун фарзидир".

Кўриниб турибдики, тинчлик руҳий покликдан қувват олади. Шу маънода, биз янги давлатчилигимиз тарихини ўтмишимизнинг табаррук руҳий-маънавий олами билан туташтирганимиз бежиз эмас. Хурриятга эришганимиз захот Имом Бухорий, Мотуридий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий, Бурхониддин Марғиноний ва жуда кўплаб бошқа маънавиятимиз пешволарининг ҳикматларини, фалсафий қарашларини, ҳаётга, жамиятга, келажакка муносабатла-

ри силсиласини қалбимизга кўчирдик.

Қарий йигирма йилки, Юртбошимиз раҳнамолигида маънавият билан жиламанган, ақл ва тадбир билан зийнатланган Тинчлик ватанида яшаётимиз. Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қарши, Марғилон, Қўқон, Термиз ва жамики катта-кичик шаҳарларимизнинг бугунги ҳусни жамолига қараб кўз тўймайди.

Таъмирланган осориюмидан, барпо этилган янги замонавий бинолар, кенг ва раван майдонлару кўчалар, фавворалари ажиб кўшк айтаётган боғлар — бари-бари Тинчликнинг бизга берган неъматлари, бири-биридан гўзал самараларидир.

Тинчлик Юртбошимиз айтгандай, омонлик, файзу баракадир. Шу ўринда дўппини олиб қўйиб ўйлаб кўрайлик. Ўтган йиллар ичида Истиқлолимизни асосли даражада мустаҳкамлайдиган қандай улуг

ғалабаларга эришдик! Биринчидан, номимизни бутун қилдик, энди кимларгадир ғалла сўраб мурожаат қилмаймиз, ҳар йили олти миллион тоннадан зиёд ғалла етиштираямиз. Ортиқчасини экспорт қилаёلمиз. Бу — Тинчлик нон эканлигини, ундан баҳраманд бўлган халқнинг кўзи ҳам, ўзи ҳам тўқ, илғи бақувватлигини билдиради.

Дарвоқе, номимизни бутун қилиш баробарида, ёқилғи-энергетика мустақиллигини ҳам Истиқлол йилларида қўлга киритдик. Бу дегани, уйлари-миз чароғон, кечаларимиз ойдин, узогимиз яқин, имкониятларимиз катта, салоҳиятимиз кудратли деганидир. Аввалги замонларни кўрган одамлар айтсин, автоуловига ёқилғи қидириб сарсону саргардон бўлганлар гапирсин: тақчиллик, етишмовчилик, ночорлик...

(Давоми 2-бетда).

Анжуман Илмий тадқиқотлар

инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокамага бағишланган "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини соҳасидаги илмий тадқиқотлар: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида халқаро анжуман ўтказди.

(Давоми 2-бетда).

Минитехнологиялар кўргазмаси

Урганч шаҳрида минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг V Халқаро ихтисослаштирилган минтақавий "Хоразм Агроминитех Экспо — 2010" кўргазмаси бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган кўргазма-савдода жаҳоннинг 20 та мамлакатидан 50 дан ортиқ компания ва корпорациялар ўзларининг технологиялари билан иштирок этди. Хусусан, мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш технологиялари, боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари, иссиқхоналар учун мўлжалланган дастгоҳлар, ун ва омикта ем маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган ихчам ускуналар, терини қайта ишлаш, ветеринария, қадоклаш жиҳозлари, ўсимликларни кимёвий

ҳимоялаш қурилмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма-савдода Хоразм вилояти ва Қоракўлпоғистон Республикасида 1630 та фермер хўжаликлари, агрофирмалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари қатнашди.

Тадбир давомида умумий қиймати 6363,9 млн. сўмлик 100 та шартнома имзоланди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

РЕАЛ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида аҳоли раис бонига реал пул даромадлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

19,6 фоизга кўпайди.

Жойларда бандлик ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга доир тизимли ҳамда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ИЗЛАНИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙТИРДИ

НАМАНГАН. "Водий ипаги" масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа амалга оширилди, яъни гилам тўқиш ўзлаштирилди.

Сифати ва кўриниши жиҳатидан аъло даражадаги бу маҳсулот ички бозорда тезда харидорлар эътиборига тушди. Янги цехнинг фойдаланишга топширилиши билан 50 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Фаолияти кенгайиши ҳисобида жамиятнинг экспорт имкониятлари ҳам ортимоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларида корхонада 2,2 миллиард сўмлик табиий ва газна ипак тайёрланди. 213 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги дастур самараси

"НАВОИЯЗОТ" корхонасида умумий қиймати 7,5 миллион АҚШ долларлик янги лойиҳа амалга оширилди.

Натижада атмосферага 85 фоизгача зарарли газлар чиқилишининг олди олиниб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига чек қўйилди.

Шунингдек, корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида реакция газлардан цианистый натрий олиш йўлга қўйилди. Яқин-яқингача йилга 7 минг тонна шундай маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб мазкур кўрсаткич 17 минг тоннани ташкил этмоқда.

Ҳ. ҲАМИДОВ

Болалар учун пойабзаллар

ФАРФОНА. Қўқон шаҳрида "Болалар ораси" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

Бунга 585 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ сарфланди. Кичиктайлар учун сифатли ва замонавий пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада айна пайтда 18 турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, қўшма корхона фаолият бошлаши билан 45 та янги иш ўрни яратилди. Йилига 100 минг жуфт пойабзал тайёрлаш қувватига эга корхона жамоаси келгусида маҳсулотларини экспорт қилишни ҳам режалаштирган.

Бахтиёр НОСИРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Самолёт қулаб тушди

АҚШда унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради.


Бу ҳақда "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Күнгилик Пенсильвания штатида юз берган. Кичик ҳаво лайнери бу ердаги тураржой биноларидан бирининг устига қулаб тушган. Фотиа самолёт бортидаги уч кишини ҳаётдан олиб кетган. Ҳозирча фалокат сабабларига ойдинлик кiritилгани йўқ.

Сунъий жигар яратилди

Гарвард тиббиёт мактаби тадқиқотчилари сунъий жигар яратишга муваффақ бўлишди.

"РИА Новости" хабарига кўра, Коркут Юйган бошчилик қилган мазкур тадқиқотлар каламушда синаб кўрилган ва ижобий натижа қайд этилган. Сунъий жигарни яратишда тиррик тўқималардан фойдаланилган. Бунинг учун қарийб икки юз миллионга тўқима бириктирилган. У ўн кун мобайнида сунъий равишда қон билан таъминлаб турилган. Кейин каламуш танасига кўчириб



ўтказилган. Бир оз вақтдан сўнг жигар ўз фаолиятини бажара бошлаган.

Таъкидланишича, бу итиро ҳақон тиббиётида катта янгилик сифатида қарши олинган.

Гумондорлар қўлга олинди

Сальвадорда номаълум кимсалар томонидан йўловчи автобустга ҳужум уюштирилди, дея хабар тарқатди "Рейтер" ахборот агентлиги.

Бир гуруҳ босқинчилар қуроллардан ўқ узиб, автобусни тўхтатишган ва кейин унга ўт қўйиб юборишган. Оқибатда йўловчилардан ўн тўрт нафари ҳалок бўлган.

Мазкур воқеа мамлакат аҳолисининг хавотирига сабаб бўлди. Шу боис ҳукумат бу хунрезликни амалга оширганлар тегишли жазога тортилишини билдирди. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳужумда иштирок этганликда гумон қилинган етти киши ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олинган.

Тахминлар ўзини оқламади

Жоржо Группиони бошчилигидаги италиялик олимлар машҳур рассом Микеланжело Меризи дафн этилган жойни топишга муваффақ бўлишди.

Мутахассислар бундан аниқлашда замонавий асбоб-ускуна — компьютер томографиясидан фойдаланишган. Натижада у 1610 йилда вафот этгани ва Караваддо шаҳрида ерга қўйилгани аниқланган. Бундан таш-

қари, бу жойдан рассомнинг ака-укалари ва қариндошлари қабрлари ҳам топилган.

Ҳозирга қадар Микеланжело Милан шаҳри атрофида дафн этилган, деган тахминлар илгари суриб келинаётганди.

Буюртма муддати қисқартирилади

"Ferrari" автомобилсозлик компанияси раҳбари Люка ди Монтезимоло эндиликда корхона қабул қилган буюртмаларни тезроқ бажариб беришини билдирди.



"Autocar" нашрининг ёзишича, ҳозиргача "Ferrari 458 Italia", "599, 430 Coupe", "430 Spider" ва "612 Scaglietti" русумли автомобиллар камида 18-24 ой ичида йиғиб берилаётганди. Монтезимоло бундай узок муддатли жараён компаниянинг рақобатчилар олдидаги мавқени тушириб юбориши мумкин, деган фикрда.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Қашқадарё вилояти нефть, табиий газ, конденсат ва бошқа қазилма бойликларга бой бўлиб, уларни ўзлаштириш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорга чиқариш бўйича ҳам республикамизда етакчи ўринни эгаллайди. Шу боис бу ҳудудда бир қатор корхона ва ташкилотлар конларни қидириш, уларнинг ҳажмини аниқлаш, бургилаш, қазиб олиш билан машғул

бўлса, бошқалари қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланади. Уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, яъни инфратузилмани вужудга келтириш вазифаси эса "Ўзгеобурғинефтьгаз" акциядорлик компанияси таркибидаги "Қашқадарё нефть-газ қурилиш ва таъмирлаш" очик акциядорлик жамияти зиммасига юкланган.

Яъни қарийб тўққиз юз нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим меҳнат қилаётган бу жамоа кончилар учун тураржойлар қуриш, уйлар ва бошқа биноларни таъмирлаш, йўллар барпо этиш, бургилаш қудуқлари ускуналари учун пойдеворлар тайёрлаш ҳамда бошқа бунёдкорлик ишларини бажаришга ихтисослашган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу жамият томонидан 2008 йили 10,8 миллиард сўмлик иш бажарилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 13,4 миллиард сўмликни ташкил этди. Жорий йилда эса янада яхши натижаларга эришиш чоралари кўрилмақда.

Жамият бошқаруви раиси Турсунпўлат Қиличевнинг айтишича, Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги "Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш

ШИНАМ ВА ФАЙЗЛИ УЙЛАР

бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ОАЖ таркибида "Жайхун махсус ихтисослаштирилган таъмирлаш ва қурилиш" шўъба корхонаси очилганлиги айни муддат ичида Қарши шаҳрининг Мустақиллик ва Ўзбекистон кўчаларидаги ўн бешта кўп қаватли тураржой биноси реконструкция қилиниб, 870 миллион сўмликдан зиёд иш адо этилди.

Президентимиз томонидан 2009 йил 19 июнда имзоланган "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни

кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъмин-

Қарор ва ижро

лаш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмақда. Жумладан, жамият таркибидаги Китоб ғишт заводида меҳнат унвдорлигини ошириш мақсадида "АҚД-СМ-727" русумли зичлаш ускунаси ишга туширилди. Пировардида заводнинг йиллик қуввати оширилиб, 3,5 миллион дона ўрнига 4 миллион донадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бизнес-режага кўра, айни кунларда Хитой

Халқ Республикасидан янги линияни олиб келиб ўрнатиш юзасидан иш олиб борилмақда.

Дехқонobod туманида барпо этилаётган каллий ўғитлар заводининг инфратузилмасини шакллантиришда ҳам ОАЖ жамоасининг ҳиссаси эътиборга молик.

Қурилиш ташкилотиде ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Иш ҳақи тўлашга йилга 1,7-1,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилатганлиги бунинг тасдиғидир. Жорий йилда Шаҳрисабздаги "Беруний" ва Қаршидаги "Геолог" болалар оромгоҳларига берилган 200 та йўлланма учун 21,5 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилганлиги эса корхона жамоаси фарзандлари — келажак эгаларига кўрсатилган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Танлов

Самарқанд шаҳридаги "Ешлар маркази"да "Келажак овози" кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманларда танловнинг кўйи босқичларида голиб чиққан истеъдодли йигит-қизлар "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари ва рационализорлик таклифлар, техник ишланмалар", "Миллий ва амалий санъат", "Бадиий ижод ва публицистика" йўналишлари бўйича иштирокчи ва истеъдоддорларни намойиш этдилар. Уларнинг билим ва маҳоратлари таниқли фан, таълим, маданият ва санъат соҳалари вакилларида иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича голиблар аниқланиб, уларга яқин республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШ ИКТИДОРЛАР БАХСИ

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкори **CAS Corporation (Жанубий Корея)**

ТАРОЗИ ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМГАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ЎРАШ ВА ШТРИХКОДЛАШ. **БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!**

БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ **CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!**

Тошкент шаҳри:
 - Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (+998 71) 281 4724, факс: 281 4365;
 - С. Азимов кўчаси, 72-«А». Тел.: (+998 71) 236 0449, 233 0371, факс: 232 0685
www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz
Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz

Маҳсулот сертифициланган.

«МЕҲРИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2010 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

сариф, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар қуви соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
 Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги муддати — 2010 йил 28 июнь соат 17.00 гача.

Шунингдек, қуйидагиларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олади:

- фермер хўжалиқларидан: картошка, пийёз, сабзи, лавлаги, карам ва бошқалар, дуккакли ёрмалар: мош, нўхат, фасоль;
- Россия, Украина ва Қозоғистонда етиштирилган гречиха, арпа, бугдой, сули ёрмалари, янчилган нўхат (горох), перловка, оқланган тарик (пшено).

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача **БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК филтрлари, ИЗО муфтлари**

Маҳсулот сертифициланган.

Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
 Манзил: Тошкент ш. Чилонзор мазоаси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мулжал — "Шўхрат" дўкони жонлаган чорраҳа)

NEW HOLLAND FIAT GROUP

B 115 **TS 6070** 130 л.с.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

TEL.: 120-60-97, 120-74-50.

NEW HOLLAND CONSTRUCTION **NEW HOLLAND AGRICULTURE**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача **236-09-25**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик ва тиббий статистика институтининг директори Зулхумор Муталовага волида муҳтарамаси **Сара МУҲИТИДНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Гематология ва трансфузиология кафедрасининг мудири, профессор Саиджалоил Бахромовага акаси **Ахрор БАҲРОМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўлаб-қувватлаш "Нуроний" жағфармаси Марказий Кенгаши жағфарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кенгашининг раиси Жалеел Муяйтдиновга ўғли **Бахтйёр МУЯЙТИДНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Қурилиш конструкциялари кафедраси катта ўқитувчиси Нилуфар Ҳасановага падари буруқвори **ТЕМУР отанин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси инглиз филологияси факультети декани Тулибой Мадрохимовга акаси **Тожибой МАДРАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАҲОРАТ ВА ЭПЧИЛЛИК МАЙДОНИ

Дунёда спорт мусобақалари жуда кўп. Аммо уларнинг аксарияти нуфузи, маъқеи жиҳатидан Олимпиада ўйинларига тенг келмайдди. Шу маънода, спорт оламига кириб келган ҳар бир киши, аввало, тўрт йилликнинг мана шу катта байрами иштирокчиси бўлишни орзу қилади. Унда кўлга киритган медалини эса барча совринлардан устун қўяди. Ҳар бир давлатда Олимпиада ўйинлари голиблари миллий қаҳрамонлар даражасида улуғланади.

23 июнь — Халқаро Олимпиада кун

Илк бор қадимий Юнонистон заминидан пайдо бўлган Олимпиада ўйинлари ўз моҳиятига кўра, руҳий ва жисмоний етук кишилар — атлетларнинг маҳорат, кучлилиги, эпчилиги, жисмоний баркамоллиги бобидаги ҳалол, ҳолис беллашув намойиши саналган. Буюк юнон математиги Пифагор бокс бўйича Олимпиада чемпиони бўлганлиги, файласуфлар Сократ ва Платон, драматурглар Софокл ва Еврипид, шунингдек, юнон маданиятининг бошқа кўлаб намоянда-

фузли мусобақаларда кўлга киритаётган ютуқлари халқаро спорт жамоачилиги томонидан ҳам кенг эътироф этиб келинмоқда. Олимпиада ҳаракатини ва спортни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун Президентимизга ХОҚнинг энг юксак мукофоти — Олимпиада олтин ордени топширилганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллик байрами кунларида пойтахтимизда Олимпиада шон-шухрати музейи очилган.

Ўзбекистон Миллий Олимпиада Кўмитаси 1992 йилнинг 21 январь кунини ташкил топган. 1993 йилнинг сентябр ойида Халқаро Олимпиада Кўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон кўмитасига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз Осиё Олимпиада ҳаракати ва минтақавий ташкилот — Осиё Олимпиада кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси саналди.

Шундан сўнг юртдошларимиз бешта (Барселонада ҳамдўстлик таркибида катнашгани ҳам ҳисобга олинса) ёнги Олимпиада ўйинларида катнашишди.

лари ҳам Олимпиада ўйинларида катнашганлиги бу қадимий спорт байрамнинг асл моҳиятини кўрсатади. Зеро, "Олимпизм" атамаси руҳ ва тан уйғунлиги, спорт орқали баркамол инсонни тарбиялаш, жамиятга инсонпарварлик ғояларини сингдириш фалсафасини англатиши кўпчиликка аён.

Инсоният тарихида Олимпиада ўйинлари бошланганда урушлар тўхтатилган. Ушбу нуфузли мусобақаларда галаба қозони эмас, балки иштирок этиш одамилар орзуи саналган. 1967 йилдан бошлаб Халқаро Олимпиада кўмитаси қарори билан ташкилотта аъзо 200 дан ортиқ мамлакатда Халқаро Олимпиада кунини ўтказиб келинади. Жумладан, яқинда пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида Олимпиада кунига бағишлаб югуриш мусобақаси ташкил этилди. Унда саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган минг нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Ёнги Олимпиада ўйинларида нафақат иштирокчилар, балки улар томонидан кўлга киритаётган медаллар сони ҳам тобора ошиб бораётгани қувонarli ҳолдир. 2008 йили Хитой пойтахти Пекинда ўтган ХОҚ ёнги Олимпиада ўйинларида 58 нафар вакилимиз 15 та спорт тури бўйича қатнашиб, битта олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медали билан тақдирланган.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ҳамюртларимизнинг ну-

фузли мусобақаларда кўлга киритаётган ютуқлари халқаро спорт жамоачилиги томонидан ҳам кенг эътироф этиб келинмоқда. Олимпиада ҳаракатини ва спортни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун Президентимизга ХОҚнинг энг юксак мукофоти — Олимпиада олтин ордени топширилганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Музейнинг ташкили очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Халқаро Олимпиада кўмитасининг ўша вақтдаги президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этган.

— Бу ерга қўйилган 2115 та экспонатда Олимпиада тарихи, Халқаро ва Ўзбекистон Миллий Олимпиада кўмитаси фаолияти, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади, — дейди музей илмий котиби Барно Ханазарова. — Баркамол авлод йиллида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий Олимпиада кўмитаси кўмагида илк Олимпиада ўйинлари акс этган маркалар олиб келинди. Юртимизда Олимпиада ўйинларининг шонли тарихида ўз номларини қолдирган машҳур спортчиларимиз билан танишишни истовчилар кўплаб топилади. Г. Шарай, О. Чусовитина (гимнастика), С. Бабанина, Н. Устинова (сузиш), В. Дуюнова, Л. Павлова (волейбол), Р. Рискиев, К. Тўлаганов, М. Абдуллаев, Р. Саидов, С. Михайлов (бокс), Л. Черязова (фристайл), А. Богдасаров, А. Тангриев, Р. Собиров (дзюдо), А. Таймазов (эркин кураш), Р. Қосимжонов (шахмат), Е. Хилько, А. Фокан (спорт гимнастикаси), В. Меньков (канзода эшак эшиш) ва бошқа кўплаб номдор спортчиларимиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Президентимизнинг Олимпиада ҳаракати ва спортни ривожлантиришга қўшган ҳисоси учун тақдирланган мукофотлари — ХОҚнинг ва Осиё Олимпиада кенгашининг Олимпиада олтин ордени, Миллий Олимпиада кўмитаси асосида олинган олтин ордени ва сertiфиқати, Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясининг олтин маржони музейининг энг ноёб экспонатларидан ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимиз спорт тарихига оид ҳужжатлар фондига яратилиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилаётган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



турнинг шов-шувли натижаларидан яна бири "F" гуруҳидан ўрин олган Янги Зеландия — Словакия терма жамоалари баҳсида қайд этилди — 1:1. Океания вакили жаҳон чемпионати беллашувларида бирон бир

Биринчи тури аксарият футбол мутахассислари мухлисларига бир оз зерикарлик туолган XIX мундиалнинг иккинчи тур баҳслари қутилмаган натижалар, шиддатли беллашувлар ва майдон четидagi машамалари билан ёдда қоладиган бўлди.

Ганнинг очиги, дастлабки турнинг энг қутилмаган ҳисоби "Н" гуруҳи вакиллари — Испания ҳамда Швейцария терма жамоалари ўртасидаги ўйинда қузатилган эди. Чемпионликка асосий даъвогарлардан бири сифатида қаралаётган Дель Боске шогирдларининг ўртача жамоадан мағлубиятга учраши кўпчилик учун ақл бовар қилмас ҳол бўлди, дейиш мумкин. Шунингдек, биринчи

Жаҳон чемпионати: ШИДДАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАР, КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Шарҳ

Тўғри, ЖАР яшил майдонларида миллий терма жамоамизнинг ўйинидан завқланиш, баҳра олиш насиб этмади. Аммо аксарият юртдошларимиз Осиё қитъаси шарафини ҳимоя қилаётган Жанубий Корея, Япония, Австралия ҳамда КХДР терма жамоаларига омад тилаган ҳолда, уларнинг мундиалда "узо-о-оққа" боришларини иштамоқда.

Олга бос, Осиё!

Зеро, қитъамиз вакиллари яхшироқ ҳаракат қилишса, кўпроқ очко жамғариб, юқори босқичларга етиб бора оلسа, иштирокчилари сони УЕФА билан баробар бўлгани ҳолда, атиги 4,5 та ўрин тақсимланаётган ОФКга кейинги жаҳон чемпионати учун ақалли яна битта йўлнамани қўшиб берилиши мумкин. Бу эса биз учун ҳам яна бир имконият демакдир.

Олдинги жаҳон чемпионатида иккинчи турдан сўнг битта галаба, учта дуранг ва тўртта мағлубият билан, рақиблари дарвозасини етти мартаба ишғол этиб, ўз дарвозаларидан 16 та тўп олиб чиққан қитъадоларимиз умумий ҳисобда етти очко жамғаришга муваффақ бўлишган эди. Ушунда бир мағлубият ҳозирда Осиё вакили сифатида мундиалда қатнашаётган Австралия терма жамоасидан қабул қилиб олинган. Улар дастлабки турдаёқ Япония устидан 3:1 ҳисобда зафар қўчиган ва, яқунда нимчорак финал йўлнамасини ҳам кўлга киритганлар.

Ҳозирги натижани эса қандай баҳолашга ҳам ҳайронсан, киши. Айни пайтгача қитъадоларимиз саккиз учрашувдан сўнг икки галаба, бир дуранг ва бешта мағлубият билан умумий ҳисобда етти очко жамғардилар. Тўлар нисбати эса 6-19. Айниқса, КХДР терма жамоасининг португалияликлар томонидан "янчиб ташлангани" (0:7) қитъамизда футболни ривожлантириш учун ҳали анча тер тўкиш кераклигини кўрсатади. Яхшиямки, Жанубий Корея ва Япония терма жамоаларида Нимчорак финалга чиқиш имконияти ҳозирча сақланиб турибди.



Шу кунларда майдон четидagi энг асосий машамаша Франция терма жамоаси ҳужумчиси Николья Анелька билан боғлиқ, десак, хато бўлмайдди.

Қизил карточкаси четлатиш

"Челси" клуби аъзоси Мексикага қарши баҳсда 4-3-3 услубида ҳаракат қилишни маъқул топган Франция терма жамоаси бош мураббий Раймон Доменекни "Бундай аҳмоқона услуб билан эркин ҳаракат қилишдан чеклаб қўйган"ликда айблаб, қаттиқ ҳақоратлагани боис терма жамоадан четлатилди.

Мураббий ва ҳужумчи ўртасидаги жанжал юқорида айтилган учрашувнинг танлафус пайтида ечиниш хонасида юз бергани айтилмоқда. Терма жамоа сардори Патрис Эвранинг маълум қилишича, "Доменек Никольянинг бу айбловини бағрикенглик билан кечириб юбориши мумкин эди, у ҳатто ёнгилик қозон ёнгиликча қолишни, жамоа ичидаги носоғлом муҳитдан биров хабар топмаслигини ҳам истаётган эди. Бироқ бу машамаша овоза бўлиб кетгач, Анелькани таркибдан чиқаришга қарор қилинди".

Мазкур ҳодиса Франция футбол федерацияси томонидан ўрганиб чиқилиб, мураббийнинг қарори маъқуллангач, терма жамоа аъзолари ЖАРга қарши ўйин олдидан ўтказиладиган машқларда қатнашишдан бош тортишди. Охир-оқибат жаҳоннинг вице-чемпионлари мезбонларга қарши ўтган беллашувда 1:2 ҳисобда мағлубиятга учраб, мундиални эрта тарқ этишга мажбур бўлишди.



Германия яшил майдонларида ажойиб ўйинлари билан финалгача етиб келиб, Марко Матерацци томонидан "синдирилган" Франция терма жамоасининг, икки турдирки, рақиб дарвозасига йўл топа билмаётгани, дастлабки турда ноҳужурғойи қитъадоларимиз — Австралия терма жамоасини жавобсиз тўрт гол билан қарқат ахволга солиб қўйган, чемпионат арасида тўла аниқликда "ишлаши" башорат қилинган "немис машинаси"нинг сербияликлар томонидан тор-мор этилиши (0:1), Фабио Капелло кўл остида финал, локал ярим финалда тўп суриши тахмин этилган Англия терма жамоасининг икки ўйинида икки дуранг қайд этиб, кейинги босқичга чиқиши муаммо бўлиб тургани ва энг асосийси, худди инглизлар каби улкан таназзулни бошдан кечираётган амалдаги чемпион — Италия терма жамоасининг иккинчи турда шу пайтгача мундиалнинг яққол аутсайдерлиги ҳисобланган Янги Зеландия терма жамоаси билан Мурога кўчасини таллашга мажбур бўлгани фаворитнинг бошқалардан фарқи нимадалигини топишга халал берапти.

Фаворитнинг фарқи нимада?

Бу саволга ҳар ким "Фаворит — тўла устунликка эга бўлиш" дея жавоб қайтариши аниқ. Бироқ айни қизғин палласига кириб бораётган чемпионат баҳслари аксарият гуруҳларда яққол фаворитнинг йўқлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шу пайтгача нимчорак финал йўлнамасини Аргентина, Голландия, Бразилия ва Чили терма жамоаларига нақд қилиб қўя олишди, холос.

Ёднингизда бўлса, 2002 йили Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтган XVII мундиал баҳсларида Бразилия терма жамоаси аъзоси Ривалдонинг айёрон ахтариш-ҳаракати туфайли Туркия терма жамоаси вакили Ҳокон Унсал майдондан четлатилган эди.

Ҳакам ҳамиша ҳақми?

Қизиги, бу галги мундиалнинг иккинчи туридан ўрин олган Бразилия — Кот д'Ивуар терма жамоалари ўйинида ҳам худди шундай ҳолат қузатилди. Яъни Бразилия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Кака ўзига яқинлашиб келаётган Абдулқодир Кейтани тирсаги билан четга сургани ҳамон Кот д'Ивуарлик футболчи худди юзига мушт келиб тушгандай бир алфозда майдонга қулади. Кейтанининг "артистик маҳорати"га алданган франциялик ҳакам Стефан Ланнуа эса "айбдор"га қизил карточка кўрсатди ва Кака худди Ҳокон сингари ноҳақлик қурбонига айланди. Энди у "Европа Бразилияси" дея эътироф этилувчи Португалия терма жамоасига қарши учинчи тур доирасидаги баҳсда майдонга туша олмади.

Шу билан бирга, франциялик ҳакамга ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Унинг 50-дақиқада Луиш Фабиано томонидан "кўл-оёқ" техникаси ишга солиниб, антика тарзда қиритилган голни ҳисобга олгани ҳам мутасаддиларнинг назаридан четда қолмади, албатта. Айрим оммавий ахборот воситаларида таъкидланишича, мазкур учрашув Стефан Ланнуанинг XIX мундиалдаги сўнгги иштироки бўлиши мумкин экан. Умуман, ҳакамларнинг кўлаб хатолари ҳақида гап бўлаётган пайтда ҳамюртларимиз Равшан Эрматовнинг нуфузи ошиб бораётгани назарда тусак, гуруримизга гурур қўшилиди.



Ҳосен ТОШХҲАЕВ.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ОНАЛАР АЛЛА АЙТГАНДА

Баркамол авлод йилига бағишланган "Оналар куйлаганда" республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи ақунланди.

Иқтидор соҳибларини кашф этиш ҳамда улар иходини тарғиб қилишга йўналтирилган тадбир ви-

лоят бўлими ҳамда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилди. Унда ўттиз иштирокчи алла, ёр-ёр, лапар, айтишув ижрочилиги бўйича

ОБ-ҲАВО (23 июнь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгигарчилик бўлмайди. Тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнгигарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда

да 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда қисқа муддатли ёнгири ёғиши мумкин. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёнгигарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгигарчилик қутилмайди. Тун-

маҳоратини намойиш этди.

Танловда Навоий шаҳридан Мохира Шокирова алла йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Ёр-ёрлар йўналишида нуроталик Норжон Давлатова, лапар ва айтишувда қизилтепалик Меҳри Жалолова голиб, деб топилди.

Еркул УМАР, Ўза мухбири.

МАДАНИЯТ хабарлари

Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган ушбу тадбирда 34 нафар санъаткор Ватан ҳақидаги кўшиқларни ижро этиб, ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Ҳакамлар ҳайъати танловда янграган кўшиқлар мусиқасининг бетакорлигига, шеър матинининг таъсирчанлигига, Ватанга муҳаббат ғоялари қай даражада маҳорат билан акс этганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Яқунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Огабек Собиров ҳамда ёш санъаткор Саидманор Абдуллаев кўрик-танловда энг юқори ўринни эгаллашди. Шунингдек, Элёр Йўлдошев ҳамда Манзура Ҳазратовага кейинги ўринлар насиб этди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мафтункор ранглар олами

Жиззах шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ногирон болалар ўртасида "Мафтункор ранглар олами" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Жиззах вилояти бўлими ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этган тадбирда 50 нафарга яқин имконияти чекланган болалар иштирок этди. Танлов якунида Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласида яшовчи Қудрат Сувоновнинг эркин мавзуда чизган сурати биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. У танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Шунингдек, тадбирнинг фаол иштирокчиларидан 6 нафарига "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси томонидан аравачалар топширилди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун манфаатли шартларга асосланган «Умид» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 15 ой муддатга йиллик 25% миқдорда даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фойз даромадлари омонат шартномаси амал қилиш муддати давомида миқдорнинг ихтиёрига кўра, унинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Кўшимча маълумотларни (8-371) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Ёлгонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятта қолган қўлаб-мақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғиев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — У. Файзуева.
Набатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳах — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарҳ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.05 Топширилди — 22.10 12 45